

**САМАРКАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.08/2025.27.12.V.11.01 РАҚАМ.11 ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**САМАРКАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

РУЗИМОВ ВОХИД УЛУҒБЕКОВИЧ

**КОРАМОЛЛАР ОРГАНИЗМИГА БОДИФОРС ВА
МУЛТИВИТ+МИНЕРАЛЛАР ПРЕПАРАТЛАРИНИ ТАЪСИРИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиена ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
ветеринарным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) on veterinary sciences

Рузимов Воҳид Улугбекович

Қорамоллар организмига Бодифорс ва Мультивит+Минераллар
препаратларини таъсири..... 3

Рузимов Воҳид Улугбекович

Влияние препаратов Бодифорс и Мультивит+Минерал на организм
крупного рогатого скота..... 23

Rozimov Vokhid Ulugbekovich

Effects of Bodifors and Multivit+Mineral preparations on cattle organism... 41

Эълои қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ..... 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.08/2025.27.12.V.11.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
НУКУС ФИЛИАЛИ**

РУЗИМОВ ВОХИД УЛУҒБЕКОВИЧ

**ҚОРАМОЛЛАР ОРГАНИЗМИГА БОДИФОРС ВА
МУЛТИВИТ+МИНЕРАЛЛАР ПРЕПАРАТЛАРИНИ ТАЪСИРИ**

**16.00.04 - Ветеринария фармакологияси ва токсикологияси. Ветеринария
санитарияси, экологияси, зоогигиена ва ветеринар-санитария экспертизаси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАҲЛЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Ветеринария фанлари бунича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2025.2.PHD/V181. рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг яб-саҳифасида (www.ssuv.uz) ҳамда «Ziyoune» ахборот таълим порталида (www.ziyoune.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Нисов Ҳаким Бақоевич ветеринария фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳоликов Абдор Азамович ветеринария фанлари доктори, доцент Эшматов Гайрат Хуррам ўғли ветеринария фанлари бунича фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ветеринария илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи IJSc.08/2025.27.12.B.11.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «13» июнь сесс «13:00» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улутбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99855) 707-76-86; e-mail: ssuv@edu.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Ахборот-ресурс марказида таништири мумкин (14366 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, М.Улутбек кўчаси, 77- уй. Тел./факс: (99855) 707-76-86.

Диссертация автореферати 2026 йил «26» май кунни тарқатилади.
(2026 йил «26» майдаги №01- рақамли реестр баённомаси)



Х.Б.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, в.ф.д., профессор

К.Х.Уроков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, в.ф.б.ф.д.
(PhD), доцент

Қ.Н.Нурбег
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, в.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё аҳолини экологик тоза ва сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳайвонларда учрайдиган турли касалликлар катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Қўшимча витамин-минерал ва биоген препаратлар ҳайвон таъясига озука моддаларининг ўзлаштириш даражасини ошириши, биокимвий реакцияларни фаоллаштириши ва метаболизмни барқарорлаштириши исботланган¹. Ушбу муаммоларни самарали ҳал этишда импорт ўринни боса оладиган, экологик жиҳатдан хавфсиз ветеринария дори воситалари ишлаб чиқариш эҳтиёжи ортмоқда.

Дунснинг чорвачилик ривожланган мамлакатларида ҳозирги кунда қорамол гушти етиштириш интенсивлигини саноат асосида оширишнинг ҳал қилувчи омил ҳайвонларнинг ёши, физиологик ҳолати, маҳсулдорлик даражаси ва йўналишига қараб организмнинг барча физиологик эҳтиёжларини қондирадиган тулиқ озиқа билан таъминлашга қаратилган. Аммо, қонда тарикасида, йирик чорвачилик комплексларида озука рацони етарли даражада мувозанатланмаган ёки озиқа моддалари тулиқ сўрилмайди. Бу ҳолатда метаболит стимуляторлар, антистресс ва адаптоген дори воситаларини рационга қўшимча тарзда киритиш тавсия этилади. Шунингдек, ҳайвонларда резистентликнинг пасайиши оқибатида уларни касалликларга чалиниши ҳамда маҳсулдорлик ва пуштдорликнинг пасайиши, ёш ҳайвонларнинг ривожланишдан қолиши чорвачилик ҳўжаликларида катта иқтисодий зарар келтирмоқда².

Республикамизнинг қорамолчилиқ ҳўжаликларида ўсишни рағбатлантирувчи, стрессга қарши, адаптоген препаратлар, минераллар, аминокислоталар ва инъекция ёки озиқа қўшимчалари қўрилишидаги фермент препаратлари ёрдамида чорвачилик маҳсулотларини қўнайитириш ва сифатини яхшилаш масалалари ўрганилган. Ушбу дорилар ва уларнинг ҳайвонлар организмига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, юқоридаги ушбу дорилар метаболит жараёнларга кучли стимулятор таъсир этиши исботланган. Шу муносабат билан уларни бузоқ боқиш бўйича йирик саноат мажмуаси шароитида ўстириш ва боқиш гуруҳида жойлашган ёш ўсаётган бузоқларга ушбу воситаларни комплекс қўллашни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси туғрисида”³ги фармони, 2017-йил 7-ноябрдаги ПФ-5229-сонли

¹ Byoung-Ki, An., Je-Hun, Ki.; Lan, Zheng., Byung-Hern, Moon., Kyung, Woo Lee. Effects of dietary supplementation with detoxified *Rhus verniciflua* sap on egg production, yolk lipid and intestinal microflora in laying hens // Asian-Australasian Journal of Animal Sciences. - 2018. - №1. - P. 86-90.

² Хатамов Т.Т. Форел балиғи жигари экстрактини қўзилар организмига таъсири автореф. дис.сет.ф.д.:16.00.04. - Самарқанд., 2023. – 20 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси туғрисида

«Фармацевтика тармогини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019-йил 10-апрелдаги ПФ-5707-сон «2019-2021-йилларда Республиканинг фармацевтика тармогини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018-йил 23-январдаги ПҚ-3489-сонли «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сонли «Чорвачилик тармогини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026-йилларга мўлжалланган дастурий тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши «V. Қишлоқ ҳужалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган бўлиб, мамлакатда биотехнологик ва ветеринария препаратларини ишлаб чиқиш ва маҳаллийлаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Муаммонинг урганилганлик даражаси Ҳайвонларнинг маҳсулдорлигини оширишга биостимуляторлар, иммуномодуляторлар, адаптогенлар, витаминлар, антиоксидантларнинг анаболик таъсири ва метаболизмни нормаллаштириши бўйича хорижий олимлардан А.А.Невская, С.П.Колесниченко, И.В.Кулаченко, М.Н.Соколов, Г.В.Сулайманова, В.В.Саломатин, В.А.Быков, А.А.Сурков, А.С.Шперов, Т.Д.Жиркова, А.Б.Ильчугулов, И.Ю.Кукушкин, N.K.Biswas, M.F.Lipscomb, S.G.Hoffman, Н.Н.Даричевалар кенг камровли илмий тадқиқотлар олиб борган. Республикамиз олимларидан Қ.Н.Норбоев, Б.Бакиров, Б.М.Эшбуриев, А.А.Холиков ва Т.Т.Хатамовлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Илмий манбалар маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Республикамизда қорамоллар ва қўёнлар организмга биостимуляторлар ва витаминларнинг фармакологик таъсир механизмлари ва уларнинг гушт маҳсулотлари сифатига таъсири ҳамда қўллаш меъёрлари илмий асосланмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Пукус филиали билан Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида жойлашган «Аббосбек Абдор» чорва фермер ҳўжалиги «Чорвачилик ҳўжаликларида

консалтин ҳамда конун ҳужжатларда белгиланган тартибда юкумли, инвазион, юкумсиз, хирургик касалликларни даволаш ва олдини олиш чораларини бажариш» мавзуси бўйича ҳужалик шартномаси (03.01.2025 йил №8, 14.04.2025 йил № 9) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларининг қорамоллар организмга фармакологик, клиник-физиологик ва гематологик кўрсаткичлар динамикасига таъсирини аниқлаш ҳамда препаратларнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини илмий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларини биргаликда қўлланилганда уларнинг токсик таъсири ҳамда организмдаги хавфсизлигини асослаш;

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларнинг қуён ва қорамолларнинг ўсиш суръати, ривожланиши ва умумий физиологик ҳолатига таъсирини аниқлаш;

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратлари қўлланилган қуён ва қорамоллар гуштига ветеринария-санитария экспертизаси жиҳатидан баҳо бериш;

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларини қуён ва қорамолларга маълум миқдор ва тартиб асосида қўллашга асосланган миқдорларини аниқлаш;

Олинган натижалар асосида қуён ва қорамоллар гушт маҳсулдорлигини оширишда препаратларни қўллаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчилиikka ихтисослашган ҳужаликлари шароитида сақланаётган қорамоллар, қуёнлар ва улардан олинган кон намуналари, Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, қуён ва қорамолларнинг клиник, қондаги морфологик ва биокимевий кўрсаткичлари, Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур диссертация ишини бажаришда клиник, кон намуналарини морфологик ва биокимевий, дори воситаларининг фармакологик баҳолаш, патологоанатомик ва органолептик, қиёсий таҳлил ҳамда математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Маҳаллий шароитда ишлаб чиқилган Бодифорс препаратининг фармакопоя талабларига мослиги, биологик хавфсизлиги ва физиологик фаоллик даражаси илк бор комплекс тарзда тадқиқ этилган;

Қорамолларда Бодифорс (1 мл/25 кг) ва Мултивит+Минераллар (6 мл/100 кг) препаратларини уч марта биргаликда қўллашнинг синергик таъсири натижасида тирик вазнининг назоратга нисбатан ўртача 16,2 кг га ортиши аниқланган;

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратлари биргаликда қўлланилганда ҳайвонлар қондаги умумий оксил 15,5% га, альбумин 22,5% га ва D витамини 24,1% га ошганлиги илмий жиҳатдан асосланган;

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларини қўлланиш меъёрлари ва самарали дозалари илмий асосланиб, ушбу препаратларнинг гушт сифатига кўрсатадиган ижобий таъсири илмий асосланган;

Қорамолларга Бодифорс (1 мл/25 кг) ва Мултивит+Минераллар (6 мл/100 кг) препаратларини жами 3 марта мускул орасига биргаликда қўллаш буйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларининг лаборатория ҳайвонларида зарарсизлиги аниқланган;

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларини қуён ва қорамолларнинг ўсиш ва ривожланиши ҳамда физиологик курсаткичларига таъсири ўрганилган;

Бодифорс ва Мултивит+Минераллар дори воситаларининг фармакотерапевтик хусусиятларини ўрганиш асосида қуён ва қорамол гуштининг сифати ветеринария-санитария экспертизаси жиҳатидан баҳоланди;

қорамолларнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилаш учун Бодифорс ва Мултивит+Минераллар дори воситаларини маълум миқдор ва тартиб асосида (Бодифорс препаратини 1 мл/25 кг, Мултивит+Минераллар препаратини 6 мл/100 кг жами 3 марта мускул орасига) қўллашга асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва амалий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар натижалари билан чуқур илмий таҳлил этилганлиги, мутахассислар томонидан илмий тадқиқотлар ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, илмий иш натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Бодифорс ва Мултивит+Минераллар дори воситаларини фармакологик хусусиятларини ўрганиш орқали препаратларни зарарсизлиги, ҳайвонларни клиник, гематологик текшириш, ўсиш ва ривожланиши таҳлил қилинганлиги, дори воситаларининг самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади. Натижалар Бодифорс ва Мултивит+Минераллар дори воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолаш буйича янги илмий маълумотлар билан тўлдиради ва қорамолчиликда рационал озиклантириш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўсишдан қолган қорамолларни ўсиш ва ривожланишини, иммун тизими

фаолияти ва модда алмашинувини стимуллаш мақсадида Бодифорс препаратини 1 мл/25 кг, Мултивит+Минераллар препаратини 6 мл/100 кг жами 3 марта мускул орасига биргаликда қўллаш орқали амалиётга жорий қилиниши қорамоллар тана вазнининг ошиши ҳамда фермер ҳўжаликларига етказилаётган катта иқтисодий зарарнинг олди олинганлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси шароитида қорамолларда Бодифорс ва Мултивит+Минераллар дори воситаларини қуён ва қорамолларнинг ўсиш ва ривожланиши хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

“Бодифорс ва Мултивит+Минераллари препаратларининг қорамоллар организмига таъсири” бўйича тавсиялар (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 26 сентябрдаги 9-сон йиғилиши баённомаси) ишлаб чиқилган ва ветеринария амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 25 ноябрдаги 33/03-05-1392-сон маълумотномаси). Ушбу тавсияларни қўллаш ҳисобига қорамоллар маҳсулдорлиги ва резистентлигини оширишда юқори самарадорликка эришилган;

Қорамолларнинг ўсиш ва ривожланишини яхшилаш мақсадида Бодифорс препаратидан 1 мл/25 кг, Мултивит+Минераллар препаратидан 6 мл/100 кг жами 3 марта мускул орасига қўллашга асосланган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган ва Қорақалпоғистон Республикасининг қорамолчилик фермер ҳўжаликларига жорий қилинган. (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 25 ноябрдаги 33/03-05-1392-сон маълумотномаси);

Қорамоллар гўшт маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш учун Мултивит+Минераллар 6 мл/100 кг ва Бодифорс 1 мл/25 кг миқдорда жами 3 марта мускул орасига қўллаш усули Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига қарашли “Қониратбай меҳри” фермер ҳўжалиги, Эллиққалъа туманига қарашли “Амир-оқ чашма”, “Баҳодир чорваси”, “Лидер жайхун” фермер ҳўжалиги, Беруний тумани “Файзуллаев Азизбек Лазизбек” фермер ҳўжаликларига жорий этилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 25 ноябрдаги 33/03-05-1392-сон маълумотномаси). Натижада сифатли ва ветеринария санитария экспертиза талабларига тўлиқ жавоб берадиган қорамол гўшти етиштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 6 та жумладан, 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шундан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, уларнинг 4 таси Республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда ҳамда 4 та республика илмий амалий конференция материаллар тупламларида, 2 та халқаро конференцияларида нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида тадқиқотлар мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг урганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «Адабиёт маълумотларининг тахлили» деб номланган биринчи боб икки қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчи «Тўқима препаратлари ва бошқа биостимуляторларнинг ҳайвонларда тизим ва органлар фаолиятига таъсири» деб номланган қисмида ҳайвонларнинг махсулдорлигини ошириш воситаларига ўсиш стимуляторлари, иммуномодуляторлар, адаптогенлар, антиоксидантлар ва анаболик таъсир кўрсатадиган, тўқима препаратлари ва биостимуляторларнинг рағбатлантирувчи таъсири, уларнинг баъзилари метаболизмда бевосита иштирок этиши, ферментатив жараёнларни фаоллаштириши, бошқалари эса интерорецепторларнинг ўзига ҳос қўзғатувчи сифатида таъсир қилиши, метаболизмни нормаллаштирадиган ва тананинг умумий носпецифик қаршилигини оширишн туғрисида республикаимиз ва дунё олимларининг илмий тадқиқот ишлари натижалари келтирилган. «Витаминларнинг ҳайвонларда метаболик жараёнлардаги аҳамияти» деб номланган иккинчи қисмида витаминлар ва уларнинг метаболизмни нормаллаштириши туғрисидаги илмий адабиётлар маълумотлари баён этилган. Илмий, амалий ва назарий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотлар материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари туғрисида маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишлари 2023-2025 йиллар давомида Самарқанд давлат вестеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

Нукус филиали “Ветеринария медицинаси ва фармакологияси” кафедраси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳайвонлар касалликлари ташҳиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги Давлат маркази “бактерология, паразитология ва микология” лабораторияси, “АТА-АНА” хусусий клиника лабораторияларида, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети “Ҳайвонлар анатомияси, гистологияси ва патологик анатомия” ва “Ветеринария санитария экспертизаси” кафедраси лабораторияси Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида жойлашган “Баҳодыр чорваси” наслчилиқ чорва фермер хўжалигида, “Аббосбек Абзор” ва “Лидер жайхун” фермер хўжаликларида ўтказилган.

Таъриба давомида қорамолларнинг жунининг ҳолати, клиник кўрсаткичлари ва вазнининг ўзгаришлари текширилиб борилди. Барча таърибаларда қоннинг морфологик кўрсаткичларини Mindray-BC-20s автоматик гематологик анализатор ёрдамида, қоннинг биокимевий кўрсаткичлари Mindray-BA-88A ярим автоматлашган геманализатори ёрдамида аниқланди. Сўйишдан кейинги олинган маҳсулотларнинг ветеринария санитария экспертизаси ЎзДст «Ўзстандарт» 7269-79 бўйича органолептик ва дегустацион баҳоланди ва талабларига мувофиқ олиб борилди.

Диссертациянинг «Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларининг фармако-токсикологик таъсирини аниқлаш» деб номланган учинчи бобнинг “Бодифорс” ва “Мултивит+Минераллар” препаратларини ўткир токсиклигини аниқлаш» деб номланган биринчи қисмида Мултивит+Минераллар ва Бодифорс препаратларини заҳарли таъсирини текшириш натижалари келтирилган.

Таърибаларда Мултивит+Минераллар ва бодифорс препаратларини заҳарли таъсирини текшириш учун оғирлиги 19-21 г бўлган ҳар икки жинсдаги 15 бош оқ сичқонлар ҳар бирида 5 бошдан 3 та гуруҳга ажратилди. Оқ сичқонлар синов ўтказишдан 24 соат олдин ва таъриба давомида бир хил ҳароратга эга бўлган хонада сақланди. Оқ сичқонлар тарозида тортишдан 2 соат олдин оқ қолдирилди. Биринчи гуруҳдаги ҳар бир оқ сичқоннинг тери остига 0,1 мл Мултивит+Минераллар ва 0,1 мл Бодифорс, иккинчи гуруҳдаги ҳар бир оқ сичқоннинг тери остига 0,2 мл Мултивит+Минераллар ва 0,2 мл Бодифорс юборилди. Учинчи таъриба гуруҳдаги ҳар бир оқ сичқоннинг тери остига 0,3 мл Мултивит+Минераллар ва 0,3 мл Бодифорс юборилди.

Оқ сичқонлар препарат қўлланилгандан бошлаб 14 кун давомида доимий кузатув остида бўлди. Бунда ҳайвонларнинг умумий ҳолати, феъл-атвори, иштаҳаси, тапқи таасуротларга реакцияси, тирик вазни ҳисобга олинди. Таъриба гуруҳи оқ сичқонларида, препарат киритилгандан сўнг, ҳаракатнинг биров сустлашиши ва озиқланишдан бош тортиш каби ҳолатлар қайд этилди. Таъриба гуруҳи оқ сичқонлари тери остига препарат юборилгандан сўнг, дастлабки уч соат давомида уларда ҳаракат биров

сустлашганлиги ва озиқа қабул қилиши пасайиши, бундан ташқари сичқонлар кафасининг бир бурчагида тупланиб туриш каби ҳолатлар кузатилди. Тажриба гуруҳи оқ сичқонлари тери остига препарат юборилгандан 7-10 соатдан сунг сичқонларда кузатилган ўзгаришлар камайиб, биринчи куннинг охирига келиб метёр ҳолатига қайтганлиги кузатилди. Тажрибанинг кейинги кунларида яъни тажриба охиригача тадқиқотлардаги тажриба гуруҳи оқ сичқонларида жун қопламаси майин, ялтирок, озукани яхши истеъмол қилди, ошқозон-ичак ва марказий нерв тизимида ўзгаришлар қайд қилинмади ва ўлим ҳолати кузатилмади.

Тажрибаларда оқ сичқонларнинг тана вазнининг ўзгаришлари аналитик тарози ёрдамида тадқиқотларнинг бошида ва тадқиқотнинг 14-кунигача ўлчанганда. Биринчи гуруҳдаги оқ сичқонларнинг тана вазни тажриба бошида $19,5 \pm 1,47$ г ташкил этган бўлса, тадқиқотнинг 14-кунига $23,1 \pm 1,16$ г ташкил этиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан фарқи $3,6 \pm 0,37$ г (11,84 %) ни ташкил этди.

Тажрибаларда иккинчи гуруҳдаги оқ сичқонларнинг тана вазни тажриба бошида $19,4 \pm 0,68$ г ташкил этган бўлса, тадқиқотнинг 14-кунига $22,9 \pm 0,75$ г ташкил этиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан фарқи $3,5 \pm 0,19$ г (11,8%) ни ташкил этди. Учинчи тажриба гуруҳи оқ сичқонларнинг тана вазни тажриба бошида $19,1 \pm 0,88$ г ташкил этган бўлса, тадқиқотнинг 14-кунига $22,4 \pm 1,3$ г ташкил этиб, дастлабки кўрсаткичларга нисбатан фарқи $3,3 \pm 0,27$ г (11,7%) ни ташкил этди. Тажрибаларда оқ сичқонларнинг тана вазни, юрак уриш сони, нафас олиш сони ва дефекациянинг ўзгаришлари тадқиқотларнинг бошида ва тадқиқотнинг биринчи кунидан 14-кунигача текширилиб борилганда, биринчи гуруҳдаги оқ сичқонларнинг тана вазни $3,6 \pm 0,37$ г ошганлиги, юрак уриш сони, нафас олиш сони ва дефекациянинг бошқа гуруҳига нисбатан деярли характерли ўзгаришлар кузатилмаганлиги ҳамда ошқозон-ичак ва марказий нерв тизимида ўзгаришлар қайд қилинмади ва ўлим ҳолати аниқланмади.

Ушбу бобнинг «Қуёнларнинг ўсиш ва ривожланишига Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларининг таъсири» деб номланган қисмида қуёнларда Мултивит+Минераллар препаратини алоҳида, Бодифорс препаратини алоҳида ва Мултивит+Минераллар ҳамда Бодифорс препаратини бигаликда қўллаб уларнинг клиник белгилари ва тирик вазнини назорат гуруҳи қуёнларига нисбатан қиссий таҳлили ёритилган. Тадқиқотлар учун 20 бош қуёнлар олиниб ҳар бир тажриба гуруҳи учун 5-бошдан 3 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳига ажратилди ва тажрибадаги барча қуёнларга дигелминтизация ўтказилди. Биринчи тажриба гуруҳидаги қуёнларга Мултивит+Минераллар препаратидан ҳар бир қуёнга 0,5 мл дан тажрибанинг 14-кунида ҳар бир қуёнга яна 0,5 мл дан мускул орасига

қўлланилди. Иккинчи тажриба гуруҳидаги қуёнларга Мултивит+Минераллар препаратидан ва Бодифорс препаратларини иккаласини бир вақтда Мултивит+Минераллардан 0,5 мл дан, Бодифорсдан 0,1 мл дан мускул орасига қўлланилди. Тажрибанинг 14-кунида худди шу дозада яна қўлланилди. Учинчи тажриба гуруҳидаги қуёнларга Бодифорсдан ҳар бир қуёнга 0,1 мл дан тажрибанинг 14-кунида худди шу дозада яна мускул орасига қўлланилди. Тўртинчи назорат гуруҳидаги қуёнларга ҳеч қандай дори препарати қўлланилмади.

Тажрибадаги қуёнларнинг клиник кўрсаткичларини урганиш шунинг кўрсатдики, барча тажриба гуруҳларидаги қуёнларда тана ҳарорати, бир дақиқадаги пулс сони ва бир дақиқада нафас олиш сони тажрибагача ва тажриба давомида физиологик меъёр даражасида бўлиши қайд қилинди.


Тажрибалардаги қуёнларда уларнинг тирик вазнини назорат гуруҳи қуёнларига нисбатан таҳлил қилинганда, биринчи гуруҳ қуёнларида тажрибалардаги қуёнларда уларнинг тирик вазнини назорат гуруҳи қуёнларига нисбатан таҳлил қилинганда, биринчи гуруҳ қуёнларида тажрибанинг 5 кунинда 4 г га, 2-тажриба гуруҳидаги қуёнларда 6 г га, 3-тажриба гуруҳидаги қуёнларда 2 г га юқори бўлиши кузатилади. Ушбу препаратларни таъсирини тадқиқотнинг 11-кунида назорат гуруҳи қуёнларига нисбатан таҳлил қилинганда, қуёнларнинг тажриба ва назорат гуруҳлари ўртасидаги тирик вазнидаги фарқ мос равишда ортиб борганлиги кузатилиб 1-тажриба гуруҳида 13 г га, 2-тажриба гуруҳида 18 г га, 3-тажриба гуруҳида эса 7 г га ошганлиги қайд қилинди.

Худди шундай тажрибанинг 16-кунида ҳам қуёнларнинг тана вазни ошишга давом этиб, 1-гуруҳда назоратга нисбатан 29 г га, 2-тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 38 г га ва 3-тажриба гуруҳида 17 г га ошганлиги аниқланди. Тадқиқотнинг 22-кунида 1-тажриба гуруҳида назоратга нисбатан 54 г га, 2-тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 68 г га, 3-тажриба гуруҳида 34 г га ошганлиги кузатилади. Тажрибанинг 28-кунига келиб ўзгаришлар бошқачароқ тус олди, яъни 1-тажриба гуруҳида 84 г га, 2-тажриба гуруҳида бу кўрсаткич 108 г га, 3-тажриба гуруҳида 58 г га ошганлиги аниқланди. Тажрибанинг 36-кунида барча гуруҳлардаги қуёнлар тирик вазни назоратга нисбатан кескин ўзгариб, бунда 1-тажриба гуруҳида 122,4 г га, 2-тажриба гуруҳида 161,2 г га, 3-тажриба гуруҳида эса 88,6 г га ошганлиги қайд қилинди. Тажриба охирида барча гуруҳлардаги қуёнларнинг тирик вазнини ошиш тенденцияси кузатилади. Ушбу кўрсаткич бўйича айниқса иккинчи гуруҳ икки марта Мултивит+Минераллар ҳамда Бодифорс препаратини бигаликда қўлланилган қуёнларнинг ўсиши 36 кундан кейин назоратга нисбатан 161,2 г га юқори бўлди. Бодифорс ва

Мултивит+Минерал препарати қўлланилган қўёнларнинг ўсиши ва ривожланиши интенсивлиги таҳлил қилинганида, тадқиқотлар натижалари қўёнларнинг биринчи экспериментал гуруҳи тирик вазнининг ўртача мутлак ўсиши бўйича назорат гуруҳидан 122,4 г га, ўртача қўнлик тирик вазнининг ортиши 3,43 г (27%) га, тирик вазнининг нисбий миқдори эса 5,2% га ошганлиги аниқланди. Тирик вазнининг нисбий ортиши қўёнлар ривожланишининг кўрсаткичидир. Иккинчи экспериментал гуруҳидаги ҳайвонларда тирик вазнининг ўртача мутлак ўсиши бўйича назорат гуруҳидан 161,2 г га, ўртача қўнлик тирик вазнининг ортиши 4,52 г (35,1%) га, тирик вазнининг нисбий миқдори эса 4,7% га ошганлиги аниқланди. Учинчи экспериментал гуруҳидаги қўёнларда тирик вазнининг ўртача мутлак ўсиши бўйича назорат гуруҳидан 88,6 г га, ўртача қўнлик тирик вазнининг ортиши 2,5 г (19,3%) га, тирик вазнининг нисбий миқдори эса 0,1% га ошганлиги қайд қилинди. Олинган натижалардан таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, қўёнларга Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларини қўллаш уларнинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир қилиши қайд қилинди.

Мултивит+Минераллар препаратидан ҳар бир қўёнга 0,5 мл дан мускул орасига, Бодифорс препаратидан ҳар бир қўёнга 0,1 мл дан мускул орасига қўлланилган тажрибадаги иккинчи гуруҳ қўёнлари қони текширилганда, эритроцитлар сони тажриба бошида $5,08 \pm 0,129$ млн/мкл ни ташкил этган бўлса, тажрибанинг 5-қунида $5,29 \pm 0,137$ млн/мкл гача (4,1% га), 10-қунида $5,6 \pm 0,187$ млн/мкл гача (10,2% га) ошганлиги кузатилди, тажриба охирига келиб эса $5,79 \pm 0,157$ млн/мкл ни ташкил этиб (14% га), дастлабки кўрсаткичга нисбатан қўпайганлиги аниқланди. Лейкоцитлар сони тажриба бошида $5,24 \pm 0,182$ минг/мм³ ни ташкил этган бўлса, тажриба охирига келиб эса $5,54 \pm 0,217$ минг/мм³ гача (5,7% га) ошган ҳолатда сақланиб қолганлиги қайд этилди.

Шунингдек, қўёнлар қонидаги гемоглобин миқдори текширилганда, тажриба бошида $122,6 \pm 2,99$ г/л ни ташкил этган бўлса, тажрибанинг 5-қунида $129 \pm 3,74$ г/л гача (5,2% га), 10-қунида $132,4 \pm 3,58$ г/л гача (8% га) ошганлиги кузатилди, тажриба охирига келиб эса $139 \pm 3,25$ г/л ни ташкил этиб (13,3% га) қўпайганлиги қайд қилинди. Эритроцитлар чуқуш тезлиги тажриба бошида $0,37 \pm 0,022$ мм/соат ни ташкил этган бўлса, тажрибанинг 5-қунида $0,359 \pm 0,019$ мм/соат гача (3% га), 10-қунида $0,352 \pm 0,02$ мм/соат гача (4,9% га) қўпайганлиги кузатилди. Тажриба охирига келиб эса $0,348 \pm 0,02$ мм/соат ни ташкил этиб (6% га), бошланғич кўрсаткичга нисбатан пасайганлиги қайд қилинди (1-расм).



1-расм. Иккинчи тажриба гуруҳи қуёнлар қонининг морфологик кўрсаткичлари (%).

Тажрибалардан олинган натижадан хулоса қилиш мумкинки, текшириш давомида тажрибадаги туртала гуруҳ қуёнларидаги клиник белгилардаги фарқни тасдиқлаш мақсадида, қоннинг морфологик кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда, биринчи, иккинчи ва учинчи тажриба гуруҳ қуёнларида қоннинг морфологик кўрсаткичларининг тез тикланиши, хусусан эритроцитлар, гемоглобин миқдорларини ошиши ва эритроцитлар чуқурлик теглигининг камайиши умуман организмда оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг жадал кечишидан далолат беради.

Диссертациянинг «Қорамолларда Бодифорс ва Мултивит+Минераллар препаратларининг фармакологик таъсирини қиёсий баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобининг «Қорамолларнинг клиник кўрсаткичлари» деб номланган қисмида таначаларнинг клиник кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, илмий тадқиқотлар Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида жойлашган «Баходыр чорваси» наслчилик чорва фермер хўжалигида Мултивит+Минераллар ва бодифорс препаратларини қорамоллар организмига, тана вазни ўсиш интенсивлиги ва интерер кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш учун тана вазни 174-202 кг ва ёши 14-15 ойлик бўлган 20 бош голштин зотли таначалар ўхшаш жуфтликлар

тамоиили асосида ҳар бирида 5 бошдан 3 та тажриба ва 1 та назорат гуруҳлари тузилди. Биринчи тажриба гуруҳидаги қорамолларига Мултивит+Минераллар препаратидан 6 мл/100 кг жами 3 марта мускул орасига қўлланилди. Тажрибанинг 14- ва 34- кунларида ушбу препаратдан шу дозада яна иккинчи ва учинчи инъекция қўлланилди. Иккинчи тажриба гуруҳидаги қорамолларга Бодифорс препаратини 1 мл/25 кг, Мултивит+Минераллар препаратини 6 мл/100 кг жами 3 марта мускул орасига қўлланилди. Тажрибанинг 14- ва 34- кунларида қорамолларга ушбу препаратлардан шу дозада яна иккинчи ва учинчи инъекция такрор қўлланилди. Учинчи тажриба гуруҳидаги қорамолларга Бодифорс препаратини 1 мл/25 кг жами 3 марта мускул орасига қўлланилди. Тажрибанинг 14- ва 34- кунларида қорамолларга ушбу препаратдан шу дозада яна иккинчи ва учинчи такрор инъекция қўлланилди. Туртинчи назорат гуруҳидаги қорамолларга ҳеч қандай дори препарат қўлланилмади. Мултивит+Минераллар ва Бодифорс препаратлари қўлланилганда тажрибалардаги ҳайвонларнинг тана ҳарорати, юрак уриши сони ва нафас сонида сезиларли фарқлар кузатилмади.

Туртинчи бобнинг «Гематологик кўрсаткичлар» деб номланган қисмида тажрибадаги таначалар қон кўрсаткичлари қайд қилинган бўлиб, олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, биринчи гуруҳ ҳайвонларида эритроцитлар сони таҳлил қилинганда, тажриба бошида $5,25 \pm 0,14$ млн/мкл ни ташкил этган бўлса, тажриба охирига келиб кўрсаткич $5,94 \pm 0,2$ млн/мкл ни ташкил этиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан 13,1% га ошганлиги аниқланди. Қондаги лейкоцитлар сони ҳам маълум даражада ошганлиги кузатилди. Жумладан, тажриба бошида $9,24 \pm 0,31$ минг/мм³ ни ташкил этган лейкоцитлар сони тажриба охирига келиб $10,18 \pm 0,32$ минг/мм³ ни ташкил этиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан 10,2% га қўпайганлиги қайд этилди. Гемоглобин концентрацияси таҳлил қилинганда ҳам ижобий динамика кузатилди. Тажриба бошида $106,1 \pm 2,72$ г/л бўлган гемоглобин миқдори тажриба якунида $120,8 \pm 3,03$ г/л ни ташкил этиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан 13,8% га ошганлиги аниқланди. Эритроцитлар чуқиш тезлиги таҳлил қилинганда, тажриба бошида $0,576 \pm 0,014$ мм/соатни ташкил этган бўлса, тажрибанинг 10-кунида $0,558 \pm 0,013$ мм/соат гача (3,2% га) камайганлиги кузатилди. Кейинги кузатишларда ушбу кўрсаткич пасайиш тенденциясини давом эттириб, 30-кунида $0,54 \pm 0,016$ мм/соат (6,3% га), 50-кунида $0,524 \pm 0,013$ мм/соат (9,1% га) ни ташкил этди. Тажриба охирига келиб эса $0,508 \pm 0,015$ мм/соат гача камайиб, дастлабки кўрсаткичга нисбатан 11,8% га пасайганлиги қайд қилинди. Гематокрит кўрсаткичи ҳам тадқиқот давомида босқичма-босқич ошганлиги кузатилди. Тажриба бошида 16

40,8±1,29% ни ташкил этган мазкур курсаткич тажриба охирига келиб 44,2±1,39% ни ташкил этиб, дастлабки курсаткичга нисбатан 8,3% га ошганлиги аниқланди.

Иккинчи гуруҳ хайвонларида кондаги эритроцитлар сони тажриба давомида боскичма-боскич ортиб борганлиги кузатилди. Жумладан, тажриба бошида 5,45±0,18 млн/мкл ни ташкил этган мазкур курсаткич тажрибанинг 10-кунида 5,88±0,16 млн/мкл гача (7,9% га), 30-кунида 6,08±0,16 млн/мкл гача (11,5% га) ва 50-кунида 6,2±0,24 млн/мкл гача (13,7% га) ошганлиги қайд қилинди. Тажриба охирига келиб эса эритроцитлар сони 6,5±0,19 млн/мкл ни ташкил этиб, дастлабки курсаткичга нисбатан 19,3% га қупайганлиги аниқланди. Лейкоцитлар сони тажриба бошида 9±0,23 минг/мм³ ни ташкил этган бўлса, тажриба охирига келиб 10,44±0,32 минг/мм³ гача ошганлиги кузатилди. Гемоглобин миқдори тажриба давомида изчил ортиб борганлиги кузатилди. Жумладан, тажриба бошида 101,3±2,6 г/л ни ташкил этган мазкур курсаткич тажриба охирига келиб 123,4±3,11 г/л гача ошган бўлиб, дастлабки курсаткичга нисбатан 21,8% га қупайганлиги аниқланди. Эритроцитларнинг чуқиш тезлиги тажриба давомида пасайиш тенденциясини намоён қилди. Жумладан, тажриба бошида 0,5±0,031 мм/соатни ташкил этган мазкур курсаткич тажрибанинг 10-кунида 0,45±0,014мм/соатгача (10% га), 30-кунида 0,44±0,022 мм/соатгача (12% га) камайганлиги кузатилди. Кейинги кузатишларда ушбу курсаткич шу даражада сақланиб, тажриба охирига келиб 0,41±0,017 мм/соатни ташкил этди ва дастлабки курсаткичга нисбатан 18% га пасайганлиги қайд этилди. Гематокрит курсаткичи тажриба бошида 41,8±1,19 % ни ташкил этган бўлса, тажриба охирига келиб 48,2±1,14 % га этгани аниқланиб, дастлабки курсаткичга нисбатан 15,3% га қупайганлиги қайд қилинди.

